



ЎЗАРО ИШОНЧ ВА МУСТАҲКАМ ДЎСТЛИККА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИКНИНГ ЮКСАК НАТИЖАЛАРИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Африкаси билан Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 2017 йил 11-13 май кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.

12 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг икки мамлакат расмий делегациялари иштирокидаги музокаралари бўлиб ўтди. Музокараларда ўзаро ва кўп томонлама муносабатларга оид долзарб масалалар, жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни янада ривожлантириш хусусида атрофлича фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбари 13 май куни Пекин шаҳрининг Тяньаньмэнь майдонига Халқ қаҳрамонлари ёдгорлиги пойига гул қўйди, қаҳрамонлар хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Президент Шавкат Мирзиёев Хитой ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашди. Унда ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги узоқ мuddатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва изчил ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ҳақида сўз борди.

Учрашувда Ўзбекистонда ХХРнинг етакчи саноат компаниялари билан узоқ мuddатли ва ўзаро манфаатли алоқалар йўлга қўйилгани, нефть-газ ва телекоммуникация тармоқлари, транспорт, тўқимачилик, сайёҳлик, қурилиш, кимё саноатида ва бошқа йўналишларда қўшма лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилаётгани қайд этилди.

Бу ерда Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиб келаётган ишбилармонларни кўриб турганимдан хурсандман, деди давлатимиз раҳбари. Биз хитойлик тadbиркорлар билан ҳамкорлик қилишдан мамнунмиз. Хитой бизнес субъектлари Ўзбекистондаги кўплаб янги саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда иштирок этмоқда.

Хитой Ўзбекистон иқтисодиётига энг кўп инвестиция киритаётган давлатлардан биридир. Мамлакатимизда Хитой капитали иштирокидаги 700 дан зиёд компания ва корхона фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йиллар давомида хитойлик сармоядорлар Ўзбекистон иқтисодиётига қарийб 8 миллиард доллар миқдорда инвестиция киритганини алоҳида таъкидлаш лозим, деди Шавкат Мирзиёев.

Учрашувда савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий, техникавий, энергетика соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, ўзаро савдо айланиши ҳажмини оширишга оид масалалар хусусида сўз юритилди.

Ўзбекистон — Хитой ҳукуматлари аro ҳамкорлик қўмитаси ҳамраиси Мэн Цзэнь Чжу, «CFCO» корпорацияси директорлар кенгаши раиси Чжао Шуанян, Хитой давлат тараққиёт банки вице-президенти Чжан Сюгуань, Хитой Эксимбанки вице-президенти Сунь Пин, «Poly Technologies Inc» компанияси бош директори ёрдамчиси Мяо Цзэчунь ва бошқалар Ўзбекистон билан ҳамкорлик юқори натижалар бераётгани, бундан кейин ҳам ўзаро алоқаларни давом эттиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Шу куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев Халқ вакиллари Умумхитой Мажлиси Дойимий қўмитаси Раиси Чжан Дэцзян билан учрашди. Мулоқот чоғида парламентларо ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Сизнинг ташрифингиз Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқаларни юқори босқичга кўтаришга ишонамиз, деди Чжан Дэцзян.

Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши Бош вазири Ли Кэцян билан ҳам учрашди.

Ли Кэцян Президентимизнинг ушбу ташрифи давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, ўзаро стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қилишини қайд этди.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Хитой билан дўстлик алоқаларини қадрлашини, мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорлиги изчил ривожланиб бораётгани халқларимиз манфаатларига мос эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўзи учун ажратилган қароргоҳда Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси директорлар кенгаши раиси Ван Илинни қабул қилди.

Мазкур корпорация мамлакатимиздаги углеводород конларини қидириш ва қазини, Муборақ газ-кимё мажмуасида табиий газни чуқур қайта ишлаш жараёнида фаол иштирок этмоқда.

Учрашувда юқори технологиялар соҳасидаги лойиҳалар ижросининг истиқболлари ва Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор тармоқларига Хитой сармояларини жалб этиш масалалари муҳокама қилинди. Углеводород хомашёсини чуқур қайта ишлаш бўйича энг замонавий, экологик тоза ва самарадор технологиялар жорий қилиш бўйича ҳамкорликни янада кенг қўламда давом эттириш, Ўзбекистонда янги ишлаб чиқариш тармоқларини барпо этиш ва мавжудларини модернизация қилишга қаратилган истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш зарурлиги қайд этилди.

Президентимиз Хитой Халқ Республикаси Экспорт-импорт банки бошқаруви раиси Ху Сюянь хоним билан учрашди.

Мазкур банк кредитлари эвазига мамлакатимизда соғлиқни сақлаш, таълим, энергетика, транспорт ва бошқа соҳаларда қатор лойиҳалар амалга оширилган. Давлатимиз раҳбари ўзаро ишончга асосланган ва икки томон учун ҳам манфаатли бўлган ҳамкорлик алоқаларини изчил ривожлантириш мамлакатларимиз учун муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Ўзбекистон банк тизими юксак даражада барқарор ва ишончли бўлиб, бу жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида яққол ўз тасдиғини топди.

Ху Сюянь Хитой Ўзбекистон билан инвестициявий алоқаларини янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини қайд этди.

Ташрифнинг муҳим натижаларидан бири Ўзбекистон билан Хитой ўртасида олий даражадаги ҳамкорлик қўмитаси тузиш тўғрисидаги келишув бўлди. Бу билан икки мамлакат ўртасида ўзаро муносабатларнинг барча йўналишлари бўйича ҳамкорликни тизимли ривожлантириш учун ишончли институционал асос яратилди.

Ташриф якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги Қўшма баёнот имзоланди.

Ташриф давомида давлатларо, ҳукуматларо ва идораларо даражадаги 100 дан зиёд ҳужжат имзоланди. Эришилган келишувлар доирасида кўплаб салмоқли сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Уларнинг умумий қиймати 23 миллиард АҚШ долларидан ошди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз делегациясига кўрсатилган юксак эҳтиром ва меҳмондўстлик учун Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпинга миннатдорлик билдирди ва уни давлат ташрифи билан Ўзбекистонга таклиф этди. Таклиф мамнуният билан қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 14-15 май кунлари Пекин шаҳрида бўлиб ўтган «Бир макон, бир йўл» форумида иштирок этди.

Форумни Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин очди. Хитой раҳбари форумда иштирок этаётган барча давлат раҳбарларига миннатдорлик билдириб, мазкур лойиҳанинг аҳамияти, мақсад ва вазифалари ҳақида сўзлади.

Форумда 30 га яқин мамлакатдан давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирок этди. Анжуманда БМТ Бош қотиби, Жаҳон банки президенти ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам қатнашди.

«Бир макон, бир йўл» ҳар бир давлатнинг ўз имкониятларидан тўла фойдаланиш, иқтисодий жиҳатдан бир-бири тўлдириш, савдо ва инвестицияларни рағбатлантириш, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш учун кенг йўл очади.

Форумда Президентимиз Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари мазкур форумнинг аҳамияти, уни тақомиллаштириш ва ривожлантириш масалалари ҳақида тўхталиб, Биз табиий, ишлаб чиқариш ва инсон ресурсларига гоёт бой бўлган минтақамизда транспорт, савдо, инвестиция, энергетика ва юксак технологиялар соҳаларидаги лойиҳаларни амалга оширишни назарда тутамиз, деди Ўзбекистон Президенти.

Иккинчи муҳим масала — Марказий Осиёни Хитой ва Россия орқали Жанубий, Жанубий-Шарқий Осиё ва Европа мамлакатлари бозорлари билан боғлайдиган транспорт-логистика йўналишларини очиш бўйича ҳамкорлик юзасидан комплекс ҳаракатлар дастури ишлаб чиқишдан иборатдир, деб таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Юртимиз қадимдан жаҳон цивилизацияси марказларидан бири бўлган. Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий салоҳияти мисли қўрилмаган даражада юксалди. Хорижий сармоядорларнинг фаол ва эркин иш юритиши учун кенг қўлайликлар яратилган. Бундай имтиёз ва имкониятлар хорижий ишбилармонларнинг Ўзбекистонга қизиқишини тобора оширмоқда.

Тури минтақаларининг ўзаро алоқаларида Буюк ипак йўли беқиёс аҳамият касб этган. Буюк ипак йўли нафақат ҳудудлар ўртасида савдо-сотиқ алоқаларини, балки давлатлар ва қитъалар ўртасида ахборот алмасишнинг таъминлашга ҳам хизмат қилган, янги маҳсулотлар ва қишлоқ ҳўжалиги экинлари тарқалишида, маданий қадриятларнинг ривожланишида муҳим восита вазифасини бажарган ва шу тариқа цивилизацияларо мулоқот учун шарт-шароитлар яратилган.

Бугун ушбу йўлнинг қайта тикланиши деб баҳоланаётган «Бир макон, бир йўл» лойиҳаси иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш, савдо ва инвестиция соҳаларида қўлай шароитлар яратиш, транспорт ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалиги, туризм, таълим, маданият соҳаларида ҳамкорлик салоҳиятини оширишда муҳим ўрин тутати.

Ўзбекистоннинг барқарор ривожланаётган иқтисодиёти, қўлай жўғрофий жойлашуви, замонавий транспорт коммуникациялари, сармоя жалб этиш бўйича пухта ва ишончли стратегияси қўллаб-қувватлаш ишбилармонларининг ҳамкорликка қизиқишини оширмоқда.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи ниҳоясига етди.

Абу Бакир ўРОЗОВ,
ЎА махсус мухбири.
Тошкент — Пекин — Тошкент.

Қадрият — ўзликни англаш



«БОЙСУН БАҲОРИ» БОЙСУНГА ҚАЙТДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси, эътибори туфайли янгидан намоён бўлган «Бойсун баҳори» фестивали 13-14 май кунлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан келган 200 дан ортиқ фольклор жамоаларини ўз бағрига олди.

Сурхон воҳаси дегаанда, аввало, чанқовуз чалаётган, лапар айтаётган момолар, қир-адирларда дўмбира чалиб достон кўлаётган бахшилар ва энг асосийси, қадимий тарих кўз олдимизда гавдаланади. Минг йиллардан бери яшаб келаётган ушбу халқ қўшиқлари, уларга ҳамоҳанг рақс ва ўзига хос миллий либослар нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунёда машҳурдир.

Миллий қадриятларимизни асраб-авайлашга берилётган алоҳида эътибор туфайли қадимий урф-одатларимиз, халқ амалий санъати, оғзаки ижоди каби номоддий маданий мерос дурдоналари қайта тикланиб, олимлар томонидан чуқур ўрганилмоқда. Ана шундай бой маданий меросга эга бўлган Бойсун ўзининг бутақдорлиги билан ажралаб туради.

Бойсун инсониятнинг илк манзилгоҳи, тамаддунлар бешигидир. Тош даври билан боғлиқ Тешиктош гори инсоният тарихининг энг қадимий цивилизация ўчоғи бўлиб, бугунги кунда ҳам тарихчилар томонидан ўрганилмоқда.

Бу ердаги маданий муҳит жаҳон ҳамжамияти маданий объектларининг 19 номинантлари орасида ЮНЕСКО томонидан «Инсониятнинг оғзаки ва номоддий маданий мероси» рўйхатига кiritилган эди. Бу ўз навбатида, Бойсуннинг маданияти ва анъаналарини сақлаш ва ёзиб олиш ҳамда кенг қўламда илмий тадқиқ этиш жараёнига сабаб бўлди. Халқ тарихи ва маданиятини ўрганиш, унинг бой

меросини сақлаб қолишга бағишланган ҳаракатлар натижа-сида олимлар томонидан элликка яқин ёдгорлик топилди.

— Одамлар ҳаётидан қачон рози бўлади? Қачонки, уларнинг кўнглидаги ораулар ушласа, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Турсунпўлат Норбоев. — Халқимиз байрамларни, тўй-томоларини яхши кўради. Бу асрий анъаналар уларнинг ҳаёт мазмунига айланган. Ана шу қадриятларга бўлган эътибор ва эъзозни сурхондарёликлар ардоқлайди. Ушбу хайрли ишларнинг бошида турганларни тоғлари каби юксакларга кўтарарди.

Бойсун туманининг жўғрофий муҳити кўпгина маданиятлар анъаналарини табиий ҳолда сақлиниб қолиш имконини бери-ди. Булар анъанавий турмуш тарзи, халқ ижодиёти, фольклор мусиқаси ва оғзаки поэтик ижоди ҳамда халқ эпос-достонлари каби турли кўринишларда намоён бўлган.

Халқаро фестивални ўтказишдан асосий мақсад қадимий фольклор санъатини ва маданий ёдгорликларимиз тарихини кенг тарғиб қилиш, ёшларни аждадларимизнинг маънавий меросидан баҳраманд этиш, уларда миллий гурур, ватанга садоқат туйғуларини шакллантиришдан иборат.

— Бундай йирик фестивалнинг айнан Бойсунда ўтказилиши бежиз эмас, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, меҳнат

фахрийси, ЎзХДП фаоли Очил Пардаев. — Чунки унинг моддий ва номоддий маданиятида Марказий Осиё, Афғонистон, Эрон ва Ҳиндистон халқлари маданияти ва санъатининг тарихий ривожланиш жараёнидаги турли унсурларни кўрамиз. Бу ерда анъанавий маданият, туркий ва шарқий эрон халқларининг фольклор, маросим ва ҳунармандчилик анъаналари сақланиб қолган. Очиғи, ҳали ўрганилмаган, тадқиқ этилмаган жиҳатлар жуда кўп.

Паданг қишлоғининг кенг адир ва яйловларида ўтказилган фестивал доирасида турли спорт мусобақалари, либослар кўриги, миллий халқ ўйинлари ҳамда анъанавий майдон томошаларига кенг ўрин берилди.

— Фестиваль менда катта таассурот қолдирди, — дейди ёзувчи Парда Назаров. — Бу йил унинг қамрови ҳам, даражаси ҳам анча ошган. Юртимизнинг чекка ҳудудидида бундай фестивалнинг ўтказилиши биз учун катта фахр. Кураш ва бошқа миллий халқ ўйинлари ташкил этилгани, айниқса, эсда қоларли бўлди. Пойтахтдан келган таниқли санъаткорлар, эстрада хонандаларининг чиқишлари тадбирга янада файз бағишлади.

Фестиваль доирасида илмий-амалий конференция ўтказилди. Туман марказидаги 6-мусиқа ва санъат мактабида бўлиб ўтган анжуманда ЎзР ФА ўзбек тили ва адабиёти институти, тарих институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳамда Термиз ва Қарши давлат университетининг профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Фестивалнинг очилиш маросимида вилоят ҳокими Эркин Турдимов йигилганларни байрам билан табриқлади.

Тадбир якунида фольклор жамоаларига диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Абди ҚОДИРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



ЎА суратлари.

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА

шахсий масъулият катта аҳамиятга эга

Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш билан боғлиқ долзарб масала ҳисобланади.

Президентимизнинг «Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар натижадорлиги ва самарадорлигини оширишда маҳаллий ижро ҳокимияти ва иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борадаги вазифалар қанчалар долзарб, муҳим, масъулият талаб қилишини ҳар бир раҳбарга яна бир марта аниқлатди.

Бу кенг қамровли ҳужжатдан халқимиз, мамлакатимиздаги деярли ҳар бир оила манфаатдор, десак хато бўлмайди. Маҳаллий ижро ҳокимияти раҳбарларининг масъулияти ошиши таълим даргоҳларини тамомлаб, ҳаётга умид билан кириб келаётган ёшларимиз келажакда муҳим ўрин тутди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоларининг ушбу масала ҳақидаги фикрлари билан қизиқдик.



Абдуғаффор Қирғизбоев,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Одамларнинг муносиб иш ўрнига эга бўлиши жамиятда ижтимоий барқарорлиқни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда ҳар йили аҳоли бандлигини таъминлаш, барқарор иш ўринлари ташкил этиш, ҳудудларда меҳнат ресурсларидан янада тўлиқ ва оқилона фойдаланишга қаратилган тегишли дастурлар, муҳим ҳужжатлар қабул қилинади.

Президентимизнинг «Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар натижадорлиги ва самарадорлигини оширишда маҳаллий ижро ҳокимияти ва иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори аҳолини иш билан таъминлаш борасида катта аҳамиятга эга, деб бемалол айтиш мумкин.

Унга кўра, жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб жойлардаги раҳбарларнинг моддий рағбатлантириш ва уларнинг шахсий масъулиятини кучайтиришнинг принципиал жиҳатдан янги тизими жорий этилмоқда. Эндиликда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоят, шаҳар ва

туманлар ҳокимларига аҳоли бандлиги ўсишининг тасдиқланган ҳар чорак прогноз кўрсаткичларини бажарганлиги ёки бажармаганлиги учун лавозим маошининг 15 фоизи миқдорда мос равишда мукофот берилди ёки жазима солинади. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимларининг биринчи ўринбосарларига ҳамда иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарларига лавозим маошларининг 20 фоизи миқдорда худди шундай мукофотлаш ёки жазима солиш чоралари қўлланилади.

Биз ҳудудларда парламент назоратини олиб бораётганимизда, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ёлгон ахборотларга ҳам дуч келдик. Бу ҳеч кимга сир эмас. Ҳужжатда ишга кирган, деб белгиланган коллеж битирувчиси аслида ишсиз экани аниқланди. Яъни, шартномалар юзаси тузилапти. Хўш, бунга ким айбдор? Мутасадди ташкилот раҳбарими? Камчилиги фақат иш берувчидан ахтариш нотўғри бўлади. Ўша ҳудуд ҳокими назоратни кучайтириб, режага киритилган ҳар бир иш ўрнининг вақтида очилиши, шартномаларнинг

ўсиши тўғрисидаги маълумотлар солиқ хизмати органлари ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг маълумотлар базасидаги сугурта бадалларини тўловчи жисмоний шахсларнинг идентификация рақами (СТИР) асосида шакллантирилади.

Меҳнат ҳудудий бошқармаси, давлат солиқ бошқармаси ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бошқармаси аҳоли бандлиги ўсиши прогноз кўрсаткичларининг бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни ҳар чоракда шакллантириб боради ҳамда уларни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига ҳамда Меҳнат вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тақдим этади.

аниқ бажарилиши устида ўзи бошқош бўлса, аминманки, кўплаб муаммолар ҳал этилади.

Тахлиллар кўрсатмоқдаки, аксарият ҳолларда ҳокимликлар томонидан корхоналарга бино, ер ажратиш, кредит олиш, хомашё таъминоти, коммуникацияларга улаштиш муаммоларини ўз вақтида аниқлаб, ечимини топишга етарли аҳамият берилмапти. Бу эса иш ўрни яратишга халақит қилиб келмоқда.

Қарор асосида ҳокимлар ва ўринбосарларининг бу борадаги масъулиятни кучайгани ҳудудларда ечимини кутаётган қатор масалалар бартараф этилишига хизмат қилади, деб ўйлайман.

Яна бир гап. Қарорда аҳоли бандлиги ўсишининг мезони сифатида уларни давлат ижтимоий сугурта ҳамда меҳнат ва пенсия қонунчилиги тизимлари билан қамраб олинган доимий, барқарор ишга жойлаштириш белгиланган. Бу аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, уларнинг меҳнатга оид ҳуқуқларини муҳофаза этишда алоҳида аҳамиятга эга. Шундан келиб чиқиб айтиладиган бўлсак, меҳнат кафолатларини ҳимоялаш, пенсия тўловларини амалга ошириш учун меҳнат стажини ҳисобга олиш, уй-жой сотиб олиш ва олий таълим муассасаларида ўқиш учун олинган кредитларни тўлашда солиқ имтиёзларига эга бўлиш ҳамда аҳолининг кундалик ҳаётида зарур бўладиган бошқа амалдаги қонунчилик меъёrlаридан фўқароларимиз тўлақонли фойдаланишига керакли имконият яратилади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, қарорда маҳаллий ижро ҳокимияти ва иқтисодий комплекс ҳудудий органлари раҳбарларининг аҳолини иш билан таъминлаш бўйича шахсий масъулиятини кучайтириш тўғрисидаги меъёр ҳам кўзда тутилган. Унга кўра, тасдиқланган прогноз кўрсаткичлари узлуksиз икки чорак давомида ёки ил давомида уч чоракда бажарилмаган тақдирда, уларнинг эгаллаб турган лавозимларига нолыйлиги масаласи кўриб чиқилади.

Бир сўз билан айтганда, ана шу чора-тадбирларнинг барчаси ёшларни иш билан таъминлашда, халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишда долзарб аҳамият касб этади. Бу масалада ҳаммамиз бир ёқдан бош чиқариб меҳнат қилишимиз керак.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Лазиза ШЕРОВА
ёзиб олди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Парламент аъзоларининг май ойи иш режасига мувофиқ, ҳудудларда аҳоли билан беvosита мулоқотлар ўтказилди. Жойлардаги ҳақиқий аҳолини ўрғаниш давомида аниқланган камчиликлар, уларнинг натижалари халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессияларида атрофлича таҳлил этилмоқда.

Масалан, халқ депутатлари Кармана туман Кенгаши сессиясида аҳоли фаровонлигини таъминлаш борасида соҳа ва тармоқларда имкониятлардан унумли фойдаланилмаётгани, айниқса, маҳаллий инвестиция дастурлари ижросидаги сусткашликлар кўзга ташланаётгани таъкидланди. Бу эса туманда янги иш ўринлари яратиш, экспорт ҳажмини ошириш ҳамда импорт миқдорини қисқартириш бўйича қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Ижтимоий муаммолар таҳлил қилинди

Йиғилишда Кармана туманида фўқароларга тиббий хизмат кўрсатиш масаласи ҳам кенг муҳокама этилди. Парламент аъзолари ҳудудларда кишлоқ врачлик пунктларида патронаж хизмати, кексаларни тиббий кўриқдан ўтказишдаги ўзибуларчилик кайфияти, тез ёрдам бригадаларининг дори vosиталари ҳамда тиббиёт асбоб-ускуналари билан таъминланганлик даражаси ҳақида олиб бораган мониторинг ҳулосалари атрофлича кўриб чиқилди. Аҳоли орасида онкологик касалликлар 2016 йилда 2015 йилдагига нисбатан ошганиги таҳлил қилинар экан, бу муаммо ечимида одамларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш муҳим омил экани қайд этилди.

Ўрганишлар асосида туман таълим муассасаларининг моддий-техник базаси, уларнинг бадийи ҳамда ўқув адабиётлари билан таъминланганлик даражаси ҳам таҳлил қилинди. Депутатларнинг таъкидлашича, ҳудуддаги мактабларнинг 18 тасида ошхона, 6 тасида спорт зали, 5 тасида ичимлик суви тармоғи йўқ. Мактабгача таълим муассасаларига болаларнинг 45 фоизигина қамраб олинган. Бир қатор мактаб ва мактабгача таълим муассасалари тоза ичимлик суви билан таъминланмаган. Бу эса болалар орасида юқумли касалликлар кўпайиши хавфини туғдирмоқда.

Сессияда қайд этилдики, парламент аъзолари тумандаги 400 га яқин хонадонларда бўлиб, 1500 нафардан ортиқ фўқаролар билан суҳбатлашишди. Мулоқотлар чоғида 260 га яқин турли йўналишдаги муаммолар аҳоли томонидан кўтарилганига алоҳида урғу берилди. Мазкур муаммоларнинг 50 дан зиёди депутатлар ҳамда сенаторлар томонидан жойида ҳал этилган.

Масалан, 20 нафар фўқаро ва тадбиркорга тижорат банклари томонидан 106 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилиши таъминланди. Шунингдек, тумanning Тошгузар кишлоғи табиий газ, Янгиобод маҳалласи ичимлик суви тармоғига қайта уланди.

Музокарада сўзга чиққанлар фўқаролар билан мулоқот муаммоларни бартараф этиш билан бирга, уларнинг олдини олишда ҳам долзарб аҳамиятга эга эканлигини таъкидлашди.

Битирувчиларни ишга жойлаштириш — долзарб масала

Халқ депутатлари Қўрғонтепа тумани Кенгаши сессиясида тумanning ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, фўқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолати атрофлича муҳокама этилди.

Айни пайтда туманда 204 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Ўрганишлар давомида депутатлар ҳамда сенаторлар хонадонлар, маҳаллалар ва ижтимоий соҳа объектларида мулоқотлар олиб бориб, 468 муаммо ҳамда масалага эътибор қаратишди. Уларнинг 51 таси жойида ҳал этилиб, қолганлари юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Сессияда турли йўналишлар қаторида тиббиёт, халқ таълими, аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш, янги йўллар қуриш ва ички йўлларни таъмирлаш, хонадонларга табиий газ ҳамда электр энергиясини етказиб бериш, йиллар давомида тўпланиб қолган коммунал тўловларни ундириш борасида йўл қўйилган камчиликлар айтиб ўтилди. Айниқса, ҳудуддаги 3 та деҳқон бозорида захира озиқ-овқатни сақлаш учун махsus омбухона ва музхона мавжуд эмаслиги, аксарият турғун шохобчаларда терминаллар йўқлиги, гўшт расталарининг ҳолати ҳамда нарх-навонинг бир-бирига тўғри келмаслиги танқид остига олинди.

Тумандаги коллежлар битирувчиларидан 420 нафардан зиёди иш билан таъминланмагани, бандликка қўмақлашувчи маркази томонидан келтирилган ҳисоботларда чалкашликлар борлиги кўрсатиб ўтилди. Тадбиркорлиқни ривожлантириш, кичик бизнес вакиллари ва фермерларни экспорт фаолиятига жалб қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш, қўмақ бериш, қўшимча иш ўринлари яратиш борасида бажарилиши керак бўлган ишларга эътибор қаратилди. Айни чоғда меҳмонхона, аёллар саргарошхоналари, кимёвий тозалаш каби маиший хизмат кўрсатиш тизимини жорий этиш кераклиги бўйича тақлифлар билдирилди. Бу борада туман Кенгаши депутатлари фаоллигини ошириш, фўқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлиқни кучайтириш муҳим масала экани қайд этилди.

Сессияда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Ахборот хизмати материаллари
асосида тайёрланди.

«Ёш сиёсатчи — 2017»

«Мен Ватаним раvнақига ҳисса қўшишни хоҳлайман»

Тошкент молия институти мажлислар залига қираверишдаги фойеда ёшлар суҳбатлашиб туришарди. Улар — «Ёш сиёсатчи — 2017» кўриктанловининг Юнусобод туман босқичи иштирокчилари.

— Жуда ҳаяжонланяпман, — дейди танлов иштирокчиси Умида Ваҳобжонова. — Бундай танловда биринчи марта иштирок этишим. Орзуим — туман босқичида муваффақиятли қатнашиб, ғолиб бўлиш.

Танлов бошланди. Савол-жавоб шартида қатнашчилар партияимизнинг Сайловолди дастури, сиёсий партиялар, Олий Мажлис палаталари, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, қабул қилинаётган қонунлар мазмун-моҳиятига оид саволларга жавоб беришди.

Айниқса, иштирокчи Сардор Ҳамидов сиёсий партияларнинг асосий йўналишлари, замонавий жамиятда ОАВ вази-



Сардор ҲАМИДОВ оғлан сўраб.

фалари, сиёсий мафкура, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти фаолияти ҳақидаги саволларга қониқарли жавоб берди.

Кўриктанловнинг иккинчи — нотиклик маҳорати шартида ҳакамлар ҳайъати Расулжон Халиловнинг чиқишини юқори баҳолашди. У берилган мавзунинг маҳорат билан тушунириб берди. Ўзини тутиши, нотиклиги,

мавзунинг содда тил билан баён этиши орқали аудиторияни ҳам жалб қила олди.

— Нотиклик санъатини эгаллашда гап кўп, — дейди ҳакамлар ҳайъати раиси Шаҳноза Маҳкамова. — Яхши мутахассис яхши нотик бўлиши ҳам керак.

Учинчи шартда ҳудудларнинг иқтисодий ривожлантириш

ва аҳоли турмуш шароитини яхшилашга қаратилган лойиҳалар намойиш этилди.

— Мен иссиқхона ташкил этишни режалаштирганман, — дейди Сардорхон Нусратов. — Тоza экологик шароитда етиштирилган сабзавотлар саломатлик учун фойдали. Тенгдошларимни иш билан таъминлаш ниятидаман.

Гулрух ОДАШБЎЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб жойлардаги раҳбарларнинг моддий рағбатлантириш ва уларнинг шахсий масъулиятини кучайтиришнинг принципиал жиҳатдан янги тизими жорий этилмоқда.

Бокс

Халқаро ҳаваскор боксчилар уюшмаси — AIBA томонидан ташкил этилган The World Series Boxing (WSB) — Бутунжаҳон бокс сериялари VII мавсумининг чорак финал доирасидаги баҳслари бўлиб ўтди. Мазкур тур учрашувида ҳам боксчилар гуруҳ баҳсларидаги каби 10 вазн тоифасида кураш олиб бормоқда.

БОКСЧИЛАРИМИЗНИНГ МУҲИМ ҒАЛАБАЛАРИ



Чорак финалда мамлакатимизнинг «Uzbek Tigers» жамоаси Кубанин «Cuba Domadores» жамоасига қарши жанг ўтказди. Дастлабки учрашувда икки жамоанинг бештадан аъзоси ўзаро куч синашди.

Самарқанддаги «Мўъжиза» амфитеатрида бўлиб ўтган жангларда вакилларимизнинг 3 нафари ғалаба қозонди, икки нафари имкониятни бой берди.

Тўқнашув доирасидаги илк жангда 49 кг. вазн тоифасидаги боксчимиз Ҳасанбой Дўсмаев кубалик Жоханос Аргиллагосга қарши рингга чиқди. 3 раунд давом этган жангда боксчимиз кубалик рақибини ишончли тарзда мағлуб этди.

Иккинчи баҳс Муроджон Аҳмадалиев иштирокида бўлиб ўтди. 56 кг. вазн тоифасидаги боксчимизга жангда Хавьер Ибаньес рақиблик қилди. Бокс мухлислари мазкур жуфтлик ўртасидаги курашда шиддатли ва жанговар боксга гувоҳ бўлишди. Кубалик боксчи жисмонан ва тактик жиҳатдан яхши тайёргаликка эга эканлигини намойиш этди. Лекин якунда маҳорат бобида устун бўлган боксчимиз Муроджон Аҳмадалиев ғалаба қозонди.

Юртдошларимиздан яна бири Иқболжон Холдоров учинчи баҳсда кубалик рақиб Энди Крузга қарши жанг ўтказди. 64 кг. вазн тоифасидаги спортчилар учрашувида Куба вакили Энди Круз маҳоратини намойиш этиб Иқболжон Холдоровни мағлубиятга учратди.

Туртинчи баҳс 75 кг. вазн тоифасида бўлиб ўтди. Узининг ҳар бир жангиде маҳорати ва истеъдоди билан бокс мухлислари меҳрини қозонган Исроил Мадримов Рио Олимпиадасида олтин медални қўлга киритган боксчи Арлен Дюпестга қарши тўқнашувда яққол устунликка эришди.

Бешинчи жангда 91 кг. вазн тоифасидаги боксчимиз Санжар Турсунов рингга кўтарилиди. Рио Олимпиадасида бронза медали соҳиби, тақрибани Эрисланди Савонга қарши бўлиб ўтган жангда вакилимиз мағлуб бўлди. Шу тариқа якуний ҳисоб 3:2.

Кейинги баҳслар 19 май кuni Кубада бўлиб ўтади. Бўлажак жангларда вакилларимизга омад тилаб қоламиз.

Шаҳбоз САИДОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

РАҲМАТ ОТАГА АЙТИЛГАН
РАҲМАТЛАР

Одам боласи учун энг катта мукофот нима? Қадимий китобларда аввал Сўз яралган, деган битик бор. Рухни юксалтирадиган, вужудга тенги йўқ қудрат ато этадиган сўз нимадан иборат? Бу ҳақда кўндан-кўн мулоҳаза юритиш, ҳатто баҳслашиш мумкин. Аммо нон каби азиз ва мукаррам ўша сўз — ҳикматлар гавҳарига айланган. Раҳмат эса сўзларнинг дури!

Эшитинг: «Отанга раҳмат!», «Раҳмат, кам бўлманг!», «Раҳматли яхши инсон эди»... Рост, тирликлик аъмоли бўлган бу олқишга ноил бўлиш осон эмас. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган инсон кўп бора бунга эришган, дунёдан ўтганидан кейин ҳам ушбу сўз унинг номи билан ёнма-ён юради.

Шу йилнинг апрель ойи охирида Китоб шаҳрининг «Оқсув» тўйхонасида бемисл тўй ўтказилди. Эҳтиёжманд оилалар фарзандларининг суннат тўйи қалби меҳр-мурувватга тўла халқимизнинг эзгу амаллари ифодаси сифатида намойиш бўлди. Тошкентдан келган меҳмонларга ҳам бир ёнда оқайтган дарё ва замонавий жиҳозланган тўйхона ниҳоятда ёқди.

— Яхши сўзларни кўп эшитамиз, — дейди тўйхона соҳиби Ўқтамжон Рўзиев. — Бу бинони Раҳмат ота раҳматли қурдирган. Отам у кишига жой танлаш бора-расида маслаҳат берган. Улар яқин ака-ука, дўст-биродар бўлишган. Ўтганларнинг руҳини шод қилай, деб шу бинони хусусийлаштириб олдим, уни тўлиқ таъмирладим. Тўйхонамиз шаҳарнинг энг сўлим жойида, дарё соҳилида жойлашган. Шунинг учун ҳам одамларимиз яхши кунларини нишонлаш учун кўпроқ бу ерга келишади. Қаранг, тўйхонамиз ёнидаги янги савдо марказини барпо этиш учун шундай замонавий қурилиш материалларидан фойдаландикки, кўзингиз қувнайди. Ҳа, яхши ният ва ҳавас билан қурилган иморатлар йиллар силсиласига бардош бериб, қад ростлаб тураверади. Отам ҳам, Раҳмат ота ҳам ўнлаб ана шундай мустақкам биноларни тиклаб кетишдики, улар бутун ҳам элга хизмат қилапти...

Юракдан, хотиралар тўққини ичра айтилган бу сўзларнинг маъини чақишга уринар эканман, донишмандларнинг ҳаёт, яхшилик, умр ибрати ҳақидаги фикрларини эслашга уринаман. Шунда улуг мутафаккир Саъдийнинг ушбу байти ёдимга келади...

Тирик улки, ундан кейин

қолса жой,

Ховуз, кўлу-кўприклар,

карвонсарой...

Ўқтамжоннинг отаси Собир Рўзиев ана шу улуг ҳикматларга муносиб инсон эди. Китоб туманида у кишичалик одамларнинг раҳматига сазовор бўлган бунёдкор камдан-кам. Катъиятли,

бағрикенг эди. Хўжаликлараро қурилиш ташкилотига раҳбар бўлганида, мактаблар, уйлар, гишт заводи тиклади. Кейин Оқсув дарёси соҳилидаги ҳозирги Темир-бетон буюмлари заводининг бошлиғи бўлиб ишлади, корхонани қолоқликдан олиб чиқди. Кейин унга ночор, кўримсиз ҳолдаги Деҳқон бозорининг раҳбарлиги топширилди. Ўша йиллари Биринчи Президентимиз Исроил Каримов туманга келса, тўғри Собир Рўзиевнинг олдида борар, у кишининг маслаҳатларини тинглар, биргаликда қарар, нима қилишни режалаштиришарди. Бундан бешта китоблик биларди. Натижада воҳада энг яхши бозор қурилди.

Хуллас, Собир Рўзиев ана шундай инсон эди. Саксонинчи йилларнинг охирида у кишининг хузурига, бозор идорасига бордим. Ташвишим шу эдики, банкдан кредит олиб, қураётган уйимга баъзи бир материаллар зарур эди.

У кишига бу ҳақда айтдим. Ўйлаб туриб, мени Шаҳрисабздаги омборхонага олиб борди. Бизни қарши олган ўрта бўйли, бугдойранг, серҳаракат киши Раҳмат Жўраев экан. Қол-аҳвол сўрашгач, унга муллоани айтдик.

— Мен ҳам газета ўқиб тураман, — деди қўлиб Раҳмат Жўраев. — Ўўп, нима етишмаяпти экан қурилишга?

— Ҳамма Қарағанданинги шиферини мактаяпти, — дедим. — Кейин томга тарнов қилиш учун оқ тунука ҳам керак эди...

— Ҳозир бизда олдий шифер, қора тунука бор. Нима қилсак экан, — деб бир зум ўйланиб тургач, чехраси ёришди. — Топамиз, уй қуришга ёрдам бериш савоб-ку!

Раҳмат Жўраев 50 донга сифатли шифер ва оқ тунукани Қаршидаги савдо ташкилотидан топдириб келди. Чакқовда баҳоси баланд эди, мен ўз наркини тўладим. Уйни қуриб битказдим. Ҳозир ҳам фарзандларим билан шу уйда яшайман. Раҳмат Жўраевнинг яхшичилигини тез-тез эслаб тураман. Чунки ўшанда қурилиш материалларини қидириб, роса сарсон бўлгандим.

Ўзим Китоб туманида ўсганим туфайли тилдан-тилга кўчиб юрган бир воқеани яхши биларман. Таниқли давлат арбоби Шароф Рашидов Қашқадарёга кўп келган, вилоят раҳбари Рўзимат



Ғойипов билан Қарши даштини ўзлаштириш бўйича маслаҳатлашган. Ўша йиллари Қарши шаҳрида ошпазларнинг танлови ўтказилиб турилар экан. Республика раҳбари келганида, бир ошпазнинг маҳорати ҳақида унга айтишади. Уни қақришади. У раҳбарларнинг кўз ўнгига ҳамир-ни зувала қилади, кейин тилим-тилим қилиб кесади. Сочдек ингичка бир ҳамир тилимини игна кўзидан ўтказди ва юпқа мато олиб, тика бошлади. Қарангки, ҳамирдан кесилган тола узилмайди. «Офарин, отангизга раҳмат!», дейди мамлакат раҳбари ва шу заҳоти уни машина билан мукофотлайди. Кейин Китоб туманининг қулай манзилларида савдо шохобчалари қуриш, бутун мамлакатга ўрнатиб қўриштириш ҳақида кўрсатма беради.

Тахтақорача довоини пойида, юксак тоғларга ёндош адирда ажойиб бино қурилади. Уни етмишинчи йилларнинг ўртасида ишга туширишганда, Шароф Рашидовнинг ўзи келиб, «Мингчинор» деб ном қўйиб беради. Ресторан табиатнинг шундай сўлим жойида жойлашгани, Китобга келадиган ёки доводан Самарқандга ўтаётган йўловчи ва меҳмон борки, кўчиб ўтишни истайди. Бу жойда Биринчи Президентимиз Исроил Каримов бир неча бор бўлган, ободончилик юзасидан маслаҳатлар берган. Машҳур адиб Саид Аҳмаднинг «Жимжитлик» асарида қилдек ингичка угра кесадиган пазандалар меҳр билан таърифланган. Атоқли шоиримиз Абдулла Орипов табиат манзаралари, кўркам бино кўринишидан завқланиб, унутилмас тиллаклари билдирган эди. Бу тоғдаги ошхона соҳиби бир вақтлар угра кесиб, игнанинги кўзидан ўтказган Солижон Ҳамидов номи барчага маълуму машҳур.

— Бу воқеаларнинг барчаси ҳақиқат, — дейди «Бахт» супермаркетининг соҳиби Абдусамал Қодиров. — «Мингчинор» ресторани қурилишининг барча ташвишлари Раҳмат Жўраевнинг зиммасига тушган. Чунки ўшанда у туман матлубот жамияти раиси эди. Ўша пайтдаги республика

раҳбари топшириғига кўра, туманда янги савдо шохобчаларини тиклашга астойдил киришилди. Гапнинг рости шуки, китоблик пазандалар воҳада энг моҳир ва пешқадам эди. Шунинг учун ўнлаб ошхоналар, магазинлар бунёд этила бошланди...

Абдусамал Қодиров билан Китоб шаҳридаги таъмирдан кейин ниҳоятда кўркамлашган савдо марказини айланамиз. Жами 2 минг квадрат метр савдо саҳни бор. Хусусийлашгач, Абдусамал Қодиров сотиб олиб, бутунлай замонавий бинога айлантирди. Тикувчилик цехи очди. У киши мени меҳнат фахрийси Абдураим Ибрагимов билан таништирди. Кўп ибратли ҳикоялар эшитдим.

— Ҳа, Раҳмат Жўраев кўп улуг ва яхши ишлар қилган, — эслайди «Шаҳрисабз озиқ-овқат маҳсулотлари» МЧЖ раиси Баҳромжон Раҳматов. — Омборхоналарини кенгайтириш, жиҳозлашда у кишининг хизматлари кўп бўлган.

Кўп излаб, қидириб, анча маълумотларни тўпладим. Раҳмат Жўраев юксак тоғлар бағрида, йўлларини оилаб қор босиб ётадиган Сиёб қишлоғида 1942 йили туғилган. Оилада ёлғиз фарзанд бўлган. Отаси Жўрақул бобо савдо-сотиқ билан шуғулланган. Умр йўлдоши қазо қилгач, Китоб шаҳрига кўчиб, ҳовли сотиб олишган. Мактабни шу жойда тамомлаган Раҳмат Жўраев Самарқандда ўқиб, иқтисодчи касбини эгаллайди. Уйланади. Олдий ходимликдан Китоб тумани матлубот жамияти раислигига кўтарилади. Қашқадарё вилояти ва Шаҳрисабз шаҳардаги йирик савдо бирлашмаларини бошқаради. Тўрт-беш туман аҳолисида савдо хизмати кўрсатиш ишларининг бошида туради. МДХдаги бир неча мамлакатларнинг савдо ташкилотлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўяди.

— Етмишинчи йиллардан бошлаб анча йил Раҳмат Жўраев билан бирга ишладим, — деб эслайди меҳнат фахрийси Эркин Ниёзалиев. — У киши савдо соҳасини ниҳоятда чуқур биларди.

Тиниб-тинчимас, қурилишга қизиқадиган одам эди. Масалан, воҳада биринчилардан бўлиб тоғли Макрид қишлоғи адирда ёрдамчи хўжалик ташкил қилди, молхона қурди. Раҳмат Жўраевнинг фарзанди, шогирди кўп, қурдирган иморатлари ҳозир ҳам эл хизматида.

Айтилган гаплардан таъсирланиб, Китоб шаҳрини айлана бошламан. Мана, кўркам «Дўстлик» ошхонаси ҳамон ишлаб турибди. Хўжалик моллари дўкони «Мерос» савдо марказига айланган. Раҳмат Жўраев бошида туриб қурдирган қўшқаватли, ниҳоятда кўркам «Кифтиоб» ресторани бутун ажойиб тўйхона. «Табассум» ошхонаси хусусийлашган...

Айланиб юриб, шаҳарнинг Али Қўшчи маҳалласига етиб келаман. Шу жойда ажойиб қурувчи ва ташкилотчи Собир Рўзиев яшаб ўтган. У маҳалла биносини қурираётганда, Раҳмат Жўраев иқтисодий жиҳатдан анча кўмак берган экан. Сал юриб, Оқсув дарёси соҳилига яқин жойдаги ҳовлига етиб келаман ва ичкарига киришим. Бу ҳовлини Раҳмат Жўраев олтинчи тўртинчи йили сотиб олган экан. Олдий уйлар. Дарвозахона ва янги меҳмонхона анча кейин қурилган.

— Олтинчи ўнчинчи йилда турмуш қурганимиз, — деб ҳикоя қилади умр йўлдоши Ҳурмат ая. — Беш ўғил ва икки қизни улғайтирдик. Қўли очик, ким келса, ёрдам бераверар эди. Фарзандларимиз отасига ўхшайди. Барчасини ўқитиб, элга қўшдик.

Хўжатларни варақлайман, расмларга кўз ташлайман. Дафтарлардан бирига Душанбе шаҳридаги Жўрабек Муродовнинг уй манзили қайд этилган. Суратлардан бирида туманга келган машҳур хонанда Отажон Худойшукуровга тўн кийдираётгани акс эттирилган. Раҳмат Жўраев санъатни жуда севган экан. Шунинг учун ўғли Неъматжон санъаткор бўлди. Ҳозир «Хисор» гуруҳи хонандаси. Тўнғичи Аҳмадjon мевани қайта ишлаш бўйича инженер-технолог. Қолган фарзандлари ҳам эл хизматида. Раҳмат Жўраев 1992 йилнинг январда вафот этди. Ундан яхши ном, қурилишлар, солиқ фарзанд ва юзлаб шогирд қолди. Тиш дўхтири бўлиб ишлаётган кенжа ўғли Ўқтамжон отаси қурган уйда яшаб, унинг чироғини ёқиб ўтирибди.

Яхшиларнинг чироғи асло ўчмайди. Раҳматли Раҳмат Жўраевга раҳматлар айтилаверди...

Юнус УЗОҚОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат қўрсатган журналист.

①

Реклама

amkodor ИП ООО «AMKODOR-TASHKENT»
официальный дистрибутор в Республике Узбекистан

БЕЛОРУССКАЯ ДОРОЖНО-СТРОИТЕЛЬНАЯ, КОММУНАЛЬНАЯ, СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННАЯ И СПЕЦИАЛЬНАЯ ТЕХНИКА

емных рабочих органов

17 Многофункциональные погрузчики с бортовым поворотом

20 Экскаваторы-погрузчики (6 модификаций)

23 Погрузчики фронтальные и универсальные грузоподъемностью от 2 до 7 тонн

Автогрейдеры

Экскаваторы гусеничные и колесные

Автопогрузчики вилочные (3 и 5 тонн)

3 года гарантии

Электропогрузчики вилочные (1,2; 1,8; 2,5 тонн)

Электротрекеры (2, 3-тонные)

Коммунально-уборочные машины

Катки вибрационные

Машины фрезерные

Погрузчики с телескопической стрелой

Товар сертифицирован. Услуги лицензированы.

Узбекистан, г. Ташкент, ул. 8 Марта, 57.
Телефоны: (+998 94) 669-29-71, (+998 71) 283-42-18 (факс), 283-42-17.
E-mail: ajle@mail.ru, amkodortashkent@mail.ru Web-site: amkodor.uz

БУГУН	Об-ҳаво маълумоти (°C)
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	+30/+20
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+35/+25
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	+32/+22
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	+38/+25
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	+30/+20
Тошкент шаҳри	+32/+22

МУАССИС:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiddin MUHIDDINOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga qilingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 538
14582
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 00:20
Topshirilgan vaqti — 02:20

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Nurullo OSTONOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 6



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI